



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ  
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**“МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ:  
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**НАУЧНО ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**«ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ  
СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И  
ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ»**

**SCIENTIFICALLY PRACTICAL CONFERENCE  
“PRIORITY DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF  
SYSTEM OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT AND  
RETRAINING OF PERSONNEL”**

**3-ТОМ**

**Тошкент- 2015 йил**

**Электрон дарсликларнинг фаркли хусусиятлари ва афзалликлари**  
Байдуллаев А.С. ТошФарми  
Муслимов Х.И. Паркент агросаноат ва сервис КХК

Мамлакатимиз ўқув юртларига кириб келаётган замонавий компьютерлар асосида ўқув юртларини ахборотлаштиришга интилиш жараёни таълимда электрон дарсликлар учун йул очиб беради.

Классик тушунчада дарслик бу талабалар учун китоб булиб, унда билимларнинг маълум соҳасидаги ўқув материали фан ва маданиятнинг замонавий ютуқлари даражасида тизимли баён қилинади. Демак, электрон дарслик ҳам, босма дарслик ҳам умумий белгиларга эга ва айнан:

- 1) ўқув материали билимларнинг маълум соҳаси буйича баён қилинади;
- 2) ўқув материали фан, техника, технология ва маданиятнинг замонавий ютуқлари даражасида ёритилади;
- 3) ўқув материали дарсликларда тизимли баён қилинади, яъни дарсликнинг бутунлигини таъминлайдиган, маъноли муносабат ва алоқали, куплаб элементлардан ташкил топган бутун тугалланган асарни узида тасвирлайди.

Босма дарсликлар мавжудлиги туфайли баъзи ўқитувчилар электрон дарслик атамасини ишлатишни хуш курмайдилар деган фикрлар ҳам бор. Бу муаллифлар «Электрон нашр» атамасини тавсия қиладилар. Лекин «нашриёт» сузи босма маҳсулотни ишлаб чиқариш назарда тутаяди. Маълум тушунчаларни уз ичига оладиган янги атамаларни ишлатиш давр тақозосидир. Хаёт узгариши билан бирга технологиялар ҳам узгаради. Барча узгаришларга тушуниш билан ёндашиш керак.

Электрон дарсликнинг босма дарсликдан фаркли белгилари бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат:

1. Хар бир босма дарслик талабаларни тайёрлашнинг маълум бошлангич даражасига мулжалланган ва уқитишнинг якуний даражасини тавсифлайди. Куплаб умумтаълим фанлари буйича одатдаги (таянч), мураккаблиги юкори, махсус ва бошка фанлар дарсликлари мавжуд. Аник бир ўқув фани буйича электрон дарслик мураккабликнинг бир неча даражасидаги материалини уз таркибида саклаши мумкин. Бунда улар хар бир даража учун интерфаол тартиботда билимларни текшириш учун куп вариантли топширикларни уз таркибига саклаган булади.
2. Электрон дарсликда кургазмалилик босма дарсликдагидан кура юкорирок. Электрон дарсликларда кургазмалилик, уларни яратишда анимациялар, товуш кузатишлар, гипержунатишлар, видеолавхалар ва